



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 250 (13.583)

Баҳоси эркин нарҳда

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШРИФИ ЯКУНЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
ва Қирғизистон Республикаси
Президенти Сооранбай Жээнбеков
14 декабрь кунини "Ўзэкспомарказ"да
ташкил этилган мамлакатимизда
ишлаб чиқарилаётган саноат
маҳсулотлари кўргазмаси билан
танишдилар.**

Кўргазмада мамлакатимиз сўнгги йилларда иқтисодиёт соҳасида эришган ютуқлар, саноатнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган компаниялар маҳсулотлари, илмий-ишлаб чиқариш марказларининг инновацион лойиҳа ва ишланмалари намойиш этилмоқда.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай кўргазмалар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар.

Қирғизистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга юқори баҳо берди.

Сооранбай Жээнбеков Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистон Республикасига давлат ташрифи чоғида имзоланган Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум бу соҳадаги алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Сооранбай Жээнбеков жорий йил мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида туб бурилиш даври бўлгани, ҳамкорликнинг бугунги даражасини сақлаб қолди ва изчил давом эттириш муҳимлигини қайд этди.

Тобора ривожланиб бораётган ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида ўзаро ташрифлар амалга ошириш, қонунчиликдаги янгиликлардан бир-бирини хабардор қилиб бориш бўйича фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг делегациясининг 21 декабрда Ўзбекистонга ташрифи парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази хабар қилишича, Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунидаги бундай савдо ва кооперация соҳасида умумий қиймати қарийб 140 миллион АҚШ доллари бўлган битим ва шартномалар имзоланди.

Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбековни Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида кузатиб қўйди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада кенг турдаги сифатли тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари (кейинги ўринларда тўқимачилик маҳсулоти деб юритилади) ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чўқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мобайнида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини (кейинги ўринларда тўқимачилик саноати деб юритилади) ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий база ва қулай шароитлар шакллантирилди.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишларда мамлакат тўқимачилик саноатининг изчил ривожланишига тўсиқ бўлаётган қатор тизимли муаммолар аниқланди, хусусан:

биринчидан, тармоқнинг етарли салоҳиятига қарамадан, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда уйғунлашган технологик занжирнинг мавжуд эмаслиги сабабли 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг республика ялпи ички маҳсулотидagi улуши атиги 4,6 фоизни ташкил этди;

иккинчидан, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизими тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларига жавоб бермайди, бу эса ҳал этилмаган муаммоларнинг тўғрисида қилинишига олиб келмоқда ҳамда унинг жадал модернизация қилинишига тўсиқлик қилмоқда;

учинчидан, миллий стандартлар ва тўқимачилик маҳсулотларининг синовлари бўйича лабораторияларни халқаро стандартлар ва талаблар билан уйғунлаштириш ишларининг қонирсизлиги, шунингдек, сифат менежменти замонавий тизимларини жорий этишнинг паст даражада эканлиги маҳаллий маҳсулотларни йирик хорижий савдо бозорларига чиқаришга, экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳамда маҳсулотлар сифати ва ҳавфсизлигига бўлган ишончни оширишга тўсиқ бўлмоқда;

тўртинчидан, тармоққа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси мавжуд муаммоларни тизимли таҳлил қилиш ва тўқимачилик саноати ривожланишининг истиқболли йўналишларини белгилаш учун шарт-шароит яратмапти;

бешинчидан, хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларининг ноқулона тақсимланиши, логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ташкил этишдаги камчиликлар ишлаб чиқариш қувватлари анча қисмининг тўхтаб қоллишига, иқтисодий йўқотишларга ва оқибатда маҳсулотлар таннаҳарининг ошишига, шунингдек, ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайишига олиб келмоқда;

олтинчидан, тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг барқарор устунилик қилиши, юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаштиришга қодир бўлган миллий брендларни шакллантиришнинг етарли даражада эмаслиги тўқимачилик саноати корхоналари даромадларини ошириш имконини бермапти;

еттинчидан, кадрлар тайёрлаш тизими тўқимачилик саноатининг реал эҳтиёжларига жавоб бермайди, тармоқни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ўқитишнинг инновацион йўналишларини жорий этиш ва илмий тадқиқотларни чўқурлаштириш юзасидан халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Республика тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатини янада излох қилишнинг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, тўқимачилик саноатининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг, энг аввало, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажми ва сифатини ошириш;

иккинчидан, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизimini илгори менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан уларнинг ривожланишига тўсиқлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шакллари жорий этган ҳолда тубдан қайта қўриб чиқиш;

учинчидан, тўқимачилик саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертифицирлаштириш тизimini халқаро талаб ва стандартларга уйғунлаштириш, шунингдек, маҳсулотлар синов лабораторияларини модернизация қилиш ва аккредитациядан ўтказиш орқали янада тақомиллаштириш;

тўртинчидан, тармоққа тўқимачилик маҳсулотлари маҳаллий ва хорижий бозорларининг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари ҳақидаги ишончли ва ўз вақтида ахборотлар олишни таъминлаш имконини берувчи илгори ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тармоқ ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш мақсадида уни тизимли ва комплекс таҳлил қилиш;

бешинчидан, пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичига бўлган ишлаб чиқаришнинг интеграция қилиниши назарда тутуви ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш;

олтинчидан, хом ашё ресурслари тақсимотининг мутаносиблиги ва ташкил этилаётган тармоқ корхоналарининг логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан ўзаро узвий боғлиқликда, шу жумладан қўп функцияли транспорт-логистика хабарини қуриш, юқларни етказишнинг оптимал йўналишлари ҳамда йўлакларини танлаш, шунингдек, транспортда юк ташини тарифларини оптималлаштириш орқали жойлашувини таъминлаш;

еттинчидан, юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортни кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илгори инновацион технологиялар, ноу-хау, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитур ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

(Давоми 2-бетда)

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари
туман Кенгашларига сайлов кунини

Тошкент шаҳар халқ депутатлари
туман Кенгашларига сайловолди
ташвиқоти давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИнинг сайловга тайёр-
гарлиги ва дастурининг асосий
йўналишлари билан газетамизнинг
3-саҳифасида танишасиз.

XXI саҳоси
аср
Барча
манбалардан
олинган сўнги
хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда вилоят Ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Самарқанд туманида "Музлатгич омборларида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш: бугунги ҳолат ва соҳани ривожлантириш истиқболлари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Навоийда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан "Ёш китобхон" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Янги йил байрами олдиндан Андижон шаҳрида 16 жойда, шунингдек, барча туман ва шаҳар марказларида фаолият бошлаган озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари хариддорлар билан гавжум. Ярмаркалар аҳолига қулайлик яратиш, байрам дастурхонини тўқин бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

● Самарқандда "Камалак юлдузлари" болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти томонидан вилоят халқ таълими ва маданият бошқармалари билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 600 га яқин истеъдодли ўғил-қиз қатнашди.

ЖАҲОНДА

● Швейцариядаги Готард туннелига кириш жойида йирик йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Юк ва енгил автомобилларнинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, бир неча одам оғир жароҳатланди. Енгил автомобиль ҳайдовчиси айби билан тўзга келган автоҳалокат натижасида туннель бир неча соатга ёпиб қўйилди.

● Буёқ британиялик жарроҳлар мамлакат тарихида илк бор жуда ноёб операцияни амалга оширишди. Бундан уч ҳафта муқаддам юрғи танасининг ташқарисидан жойлашган ҳолда туғилган чақалоқнинг юрғини бир неча жарроҳлик амалиёти натижасида кўкрак қафаси ичкарасига жойлашга муваффақ бўлишди. Маълумотларга қараганда, бундай чақалоқлар 1 миллионга гўдак орасида битта туғилади ва ўрта ҳисобда ўнтадан тўққизтаси дарҳол ҳаётдан кўз юмади.

● Лондонда "Юлдузлар жанги" номли машҳур туркум фильмларининг "Сўнгги Жидайлар" деб номланган охириги 8-қисмининг премьераси бўлиб ўтди.

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган "Энг намунали оила" кўрик-танловининг мамлакат босқичида асосий эътибор намунали оилалар тартиботи, унинг жамиятдаги ўрни, оилавий муносабатлар, аҳиллик, миллий расм-русумлар ифодасига қаратилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган танловда вилоят босқичларида ғолиб бўлган 14 оила қатнашди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Г.Маъруфова ва бошқалар мамлакатимизда оила институтини янада тақомиллаштириш, оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият тараққиётида ўрнини оширишга қаратилган ислохотлар ижроси оилалар аҳил ва тоғулигини таъминлаш, фарзандларимиз порлоқ келажаги, бахту саодатини яратишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

– Бош қўмусимиз қабул қилинганининг 25 йиллигини кенг нишонладик, – дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси Д.Қўзиёева. – Унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофа-

засида бўлиш ҳуқуқига эга экани белгилаб берилган. Бундай имкониятлар оилалар аҳилига ва ҳуқуқлари ҳимоялангандан далолат беради. Бугунги танловнинг мазмун-моҳияти ҳам оилаларда барчага ибрат бўладиган намуналарни давом эттиришга қаратилган. Унинг ҳудудий саралаш босқичларида 15 минг 624 оила иштирок этди. Унда оилаларнинг ҳаётий таърибаси, оилада ота-онанинг ўрни, фарзандлар муносабати, китобхонлик даражаси, фарзандларни меҳнатга ўргатиш қўнимаси, миллий қадриятларни библиши, соғлом ҳаёт тарзига риоя этиш, оила аъзоларининг маҳалла ва жамоат ишларидаги иштироки каби жиҳатлар инобатга олинди. "Меҳрибон қайнона", "Китобсевар оила" номинациялари бўйича ҳам ибратли оилаларни барчага намуна қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинди.

Иштирокчилар "Оилаларнинг таништирув чиқишлари", "Биз китобхон оиламиз" ва "Оила мустаҳкамлиги – юрт тинчлиги" шартлари бўйича ўзаро баҳс-



лашди. Якуний натижаларга кўра, Бухоро вилоятидан Саъдиевлар оиласи биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Иккинчи ўрин Тошкент шаҳридан Қодировлар оиласига, учинчи ўрин Самарқанд вилоятидан Ражабовлар оиласига насиб этди.

– Бугунги шиддатли ҳаёт ҳар бир оила аъзосидан маънавий комилликни талаб этмоқда, – дейди танлов ғолиби Нигора Латипова. – Маърифий юксак оиланинг жамиятда ўрни банд ва обрўли бўлади. Оиламиз билан танлов шартларини бажаришда айнан шу жиҳатларга эътибор қаратдик. Турмуш ўртоғим Хикматулла Саъдиев ҳарбийликдан нафақага чиққан. Беш фарзанд тарбиялаб, вояга

етказдик. Ўзим айна пайтда Ромитон туманидаги 3-умумтаълим мактабидида меҳнат қиламан. Учинчи шарт бўйича оила аъзоларимиз билан "Гумрох" деб номланган видеороликни тайёрлаб, унда оиладаги меҳрсузлик, фарзанд тарбиясига эътиборсизлик, мафкуравий иллатлар каби муаммоларни олиб чиқдик ва барчани огоҳликка ундадик.

Ғолиблар ва танловнинг фаол иштирокчилари "Китобсевар оила", "Спортчи оила", "Ишбилармон оила", "Меҳрибон қайнона", "Аҳил оила", "Саховатли оила", "Ибратли келин", "Файзли оила" номинациялари бўйича ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдирланди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

саккизинчидан, талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича йўналишларни кенгайтирган ҳолда тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, таълим муассасаларининг ўқув дастурларини тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қайта қўриб чиқиш, илмий-тадқиқот фаолиятини, шунингдек, ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш "Йўл харитаси" (кейинги ўринларда "Йўл харитаси" деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишига шахсан жавобгардир.

3. 2018 йил пахта ҳосилидан бошлаб, эксперимент тартибида маҳаллий тўқимачилик саноати корхоналари томонидан тўғридан-тўғри фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан (кейинги ўринларда фермер ҳўжаликлари деб юритилади) пахта хом ашёсини етиштиришга буюртма қилиш ва аванс бериш, шу жумладан қуйидаги шартларни назарда тутувчи тизим жорий этилсин:

харид қилинадиган пахта нави ва ҳажми, уни етказиб бериш муддатлари ҳамда тартиби фермер ҳўжалиги ва тўқимачилик саноати корхонаси ўртасида тузилган шартномада белгиланади;

пахта хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш пахта тозалаш корхонаси томонидан қайта ишлаш асосида ёхуд тўқимачилик корхонаси томонидан хусусий ёки ижарага олинган пахта тозалаш корхонасида амалга оширилади;

тўқимачилик саноати корхоналари фермер ҳўжаликларининг харажатларини (чигит, минерал ўғитлар, ёнилмайлаш материаллари, ўсимликларни кимёвий химоя қилиш воситалари, иш ҳақини тўлаш ва кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш харажатлари, бошқа сарф-харажатлар) тузилган шартнома қийматининг камида 60 фоизини аванс бериш йўли билан молиялаштиришни амалга оширади;

тўқимачилик саноати корхоналари томонидан харид қилинадиган пахта хом ашёси нархи фермер ҳўжаликларининг ҳақиқий харажатларини ва рентабеллигини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, шартнома асосида белгиланади ва давлат эҳтиёжлари учун ўрнатилган нархлардан паст бўлмаслиги лозим;

тўқимачилик саноати корхоналари олинган чигитни шартнома асосида ёғ-мой корхоналарига, қўшимча маҳсулотларни (линт, ўлик пахта) бошқа истеъмолчиларга реализация қилади;

тўқимачилик саноати корхоналари томонидан харид қилинган пахта хом ашёсидан фақатгина уни кейинчалик чуқур қайта ишлаш учун фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2018 йил 10 январга қадар мuddатда тўғридан-тўғри тўқимачилик саноати корхоналари, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари иштирокчилари билан пахта хом ашёсини етиштиришга буюртма қилиш ва аванс бериш тизимига киритилаётган экспериментни ҳисобга олган ҳолда, пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб беришга контрактация шартномаларининг фермер ҳўжаликлари билан ўрнатилган тартибда қайта тузилишини;

2018 йил 15 январга қадар мuddатда тўғридан-тўғри тўқимачилик саноати корхоналари билан пахта хом ашёсини етиштиришга буюртма қилиш ва аванс беришнинг киритилаётган тизимини ҳисобга олган ҳолда, пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб беришга контрактация шартномалари фермер ҳўжаликлари билан қайта тузилишдан келиб чиқиб, эксперимент ўтказиш учун ҳудудлар ва ер участкалари майдонларининг белгиланишини;

тўғридан-тўғри тўқимачилик саноати корхоналари билан пахта хом ашёсини етиштиришга шартнома туз-

ган фермер ҳўжаликлари аниқлашни ҳисобга олган ҳолда, 2018 йил 1 февралга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ ҳўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари баланси шакллантирилишини;

2018 йил 15 январга қадар мuddатда 2018 йил ҳосилининг пахта хом ашёси учун давлат хариди нархи белгиланишини;

қайта тузилган шартномаларни ҳисобга олган ҳолда, 2018 йил 20 январга қадар мuddатда тўғридан-тўғри тўқимачилик саноати корхоналари, шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерлари иштирокчилари билан пахта хом ашёсини етиштириш ва етказиб беришга контрактация шартномалари билан камраб олинмаган фермер ҳўжаликлари кесимида 2018 йил ҳосилининг пахта хом ашёси экилиши учун "Ўзпахтасаноат" АЖ буюртмасининг ҳажми аниқлашини таъминласин.

4. Тўқимачилик саноати корхоналари, "Ўзбекенгил-саноат" АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташиқ савдо вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг;

Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмасини (кейинги ўринларда "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси деб юритилади) ташкил этиш;

"Ўзбекенгилсаноат" АЖни унинг мол-мулклари ва давлатга тегишли бошқа маблағлари, шунингдек, дебитор қарадорлигини кейинчалик "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига бегараз ўтказиш орқали тугатиш;

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси тузилмасида тизимли муаммоларни бартараф этиш, маркетинг инновацияларини фаол жорий этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли ва устувор йўналишларини аниқлашни таъминловчи маслаҳат органи – Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

5. Қуйидагилар:

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси аъзолари тўқимачилик саноати корхоналари ва ташкилотлари ҳисоблансин;

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг жорий таъминоти ва фаолиятини молиялаштириш уюшма аъзоларининг бадаллари ва ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақилланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши;

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари уюшма аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан сайланиши;

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси раиси бир вақтнинг ўзида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Вазирлик кенгаши раисининг ўринбосари ҳисоблансин маълумот учун қабул қилинсин.

6. Қуйидагилар "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хом ашёни қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича ягона комплекс сифатида, шу жумладан саноат кооперациясини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларида тадқиқотлар ўтказиш асосида тармоқни барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини халқаро талаб ва стандартларга уйғунлаштириш, шунингдек, маҳсулотлар синов лабораторияларини модернизация қилиш, ва аккредитациядан ўтказиш орқали такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўриш;

тўқимачилик саноати корхоналарининг фаолиятига инновация технологиялар, шу жумладан дизайнлик ишланмалари, ноу-хау, сифат менежменти тизимлари ва замонавий маркетинг хизматлари кенг жорий этилишини таъминлаш;

ички бозорни юқори сифатли маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари билан тўлдирish ва унинг экспорт географиясини, шу жумладан турли ахборот ресурсларида ҳамда мамлакатдаги ва хориждаги кўргазма тадбирларида миллий брендларни йўналтиришни илғари суриш ва тўқимачилик саноати корхоналарининг салоҳиятини намойиш қилиш орқали кенгайтириш бўйича тизимли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тўқимачилик саноатига чет эл инвестицияларини, шу жумладан логистика ва муҳандислик инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида фаол жалб қилиш;

тўқимачилик саноати корхоналари, пахта-тўқимачилик кластерларини ҳудудлар салоҳиятининг янада ривожланиш истиқболларидан, хом ашё базиси, инфратузилмаси, меҳнат ресурслари ва бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб жойлаштиришга қўмақлашиш; тармоқнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда тўқимачилик саноати соҳасида кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ва уларни тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда иштирок этиш, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш;

тармоқнинг жадал ривожланиши ва тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишига тўқимачилик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

7. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

8. Пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта мuddатли истиқболда ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи комиссия (кейинги ўринларда Ишчи комиссия деб юритилади) 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи комиссия Бухоро ва Навоий вилоятларида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилишининг боришини ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи Пахта-тўқимачилик кластерларини ўрта мuddатли истиқболда ривожлантириш концепцияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиқиб, ҳудудларда пахта-тўқимачилик кластерларни жойлаштириш тартиби, уларни шакллантириш мuddатлари ва босқичларини белгилаш;

пахта-тўқимачилик кластери иштирокчиларига ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни – ҳисобга олган – ҳолда, табақалаштирилган солиқ имтиёзларини қўллаш имконияти;

ташқилий-ҳўжалик муносабатларнинг шакллари, асосий компаниянинг пахта-тўқимачилик кластери иштирокчилари олдидagi мажбуриятлари;

қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кластер моделини ташкил қилиш бўйича илғор хорижий тажрибани тизимли таҳлил қилиш ва жорий этиш; пахта хом ашёсига давлатнинг буюртмасини босқичма-босқич қисқартиришни таъминлайдиган хусусий капитал ва чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳисоби-га қишлоқ ҳўжалигида молиявий муносабатларни яхшилашга таъсир этиш истиқболларини баҳолаш;

қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг (чорвачилик, иссиқхона ҳўжаликлари ва бошқалар) қайта ишлаш тармоқлари ривожланишига таъсирини таҳлил қилиш.

9. Белгилансинки, тўқимачилик саноати корхоналари – "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси аъзолари: 2021 йил 1 январга қадар мuddатда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва республикада ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда тасдиқланмайдиган рўйхат бўйича импорт қилинадиган пахта, сунъий ва синтетик тола, жун, хом ашё ва бошқа материаллар учун божхона тўловлари тўлашдан

(божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинади;

қонунчиликда белгиланган тартибда юқори сифатли маҳсулотларни ягона "Uztextile" белгиси билан экспорт қилади.

"Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига давлат божини тўламаган ҳолда уюшма аъзоларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар қарорлари, ушбу органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилсин.

10. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасига бадаллар ва ажратмалар солиқ базасидан чиқарилсин.

11. "Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар мuddатда тўқимачилик саноати соҳасида, шу жумладан мавжуд халқаро аккредитацияга эга лабораториялар сонини қўпайтириш, тўқимачилик саноати миллий стандартларини халқаро стандартларга тезкор ва тўлиқ мувофиқлаштиришни таъминлаш, тўқимачилик саноати корхоналарида замонавий сифат менежменти тизимини жорий қилишни назарда тутувчи стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" АЖ билан биргаликда 2018 йил 1 февралга қадар мuddатда маҳаллий пахта толасини сотиш учун, шу жумладан бошқа мамлакатлар-етиштирувчиларнинг пахта ҳажмларини жалб қилишни назарда тутган ҳолда ихтисослаштирилган электрон савдо майдонларини ташкил этиш, шунингдек, тўқимачилик саноати учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган аксессуарлар, фурнитуралар, бўёқлар ва кимёвий воситаларнинг доимий фаолият кўрсатувчи ярмаркасини ташкил қилиш бўйича тақлифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташиқ ишлар вазирлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси буюртмалари бўйича тўқимачилик саноат корхоналари томонидан жалб қилинаётган чет эл мутахассисларига кириш визаларини расмийлаштиришни таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасининг буюртмалари бўйича тўқимачилик саноат корхоналари томонидан жалб қилинаётган чет эл мутахассисларига давлат божи ундирилмасдан қўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва мuddати узайтирилиши, шунингдек, уларни вақтинча прописка қилиш, турган жойи бўйича ҳисобга олиш ҳамда уларнинг узайтирилишини таъминласин.

15. "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Авлоний кўчаси, 20-уй манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги "Республикада енгил саноатини бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3102-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Адлия, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари З.Т.Мирзаев, Н.С.Отажонов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИНИ
ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини (кейинги ўринларда тўқимачилик саноати деб юритилади) модернизация ва диверсификация қилиш ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ишлаб чиқарилаётган тайёр рақобатбардор маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини кенгайтириш, пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш самарадорлиги ва рентабеллигини оширишнинг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Шуни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизда мазкур соҳани янада ривожлантиришни таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон қарори билан 2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланган.

Бугунги кунда республикада 7 мингга яқин корхоналар фаолият олиб бораётган юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган тўқимачилик тармоғи шакллантирилди. 1,4 миллион тонна ҳажмдаги пахта толасини ишлаб чиқариш қувватлари яратилди, шундан 60 фоизга яқиндан маҳаллий тўқимачилик корхоналарининг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилмоқда.

Энг аввало, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, тармоқни бошқаришни ташкил этиш, ресурс ва ишлаб чиқариш қувватларининг тақсимланиши, кадрлар малакасининг юқори эмаслиги билан боғлиқ тизимли муаммоларнинг мавжудлиги пахта хом ашёсини етиштиришнинг паст рентабеллигига ва уни қайта ишлашга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг етарли даражада эмаслигига олиб келимоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган "Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш-

ни кенгайтириш ва уни жаҳон бозорларига илғари суриш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар комплексини белгилаб берди.

Ушбу ҳужжат билан тўқимачилик саноатини янада излох қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари белгиланди, хусусан:

– тўқимачилик саноатининг иқтисодиётдаги улуғлини қўпайтириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг ҳажми ва сифатини ошириш;

– тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини тубдан қайта қўриб чиқиш;

– тўқимачилик саноати соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш;

– тармоқга илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

– тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг кластер моделини амалга ошириш;

– логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан ўзаро узвий боғлиқликда хом ашё ресурслари тақсимотининг ва ташкил этилаётган тармоқ корхоналари жойлашувининг мувозанатини таъминлаш;

– ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновация технологиялари, ноу-хау, дизайнлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитур ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

– тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Фармон иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқаруving бозор механизмларини кенгайтиришни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалий рўёбга чиқаришда муҳим қадам ҳисобланади.

Хусусан, Фармон билан бошқарув ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, тўқимачилик саноатининг технология жараёнини модернизация қилиш ва инфратузилмасини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш, тўқимачилик саноатига халқаро стандартларни жорий этиш бўйича 20 дан ортиқ тадбирлардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришни ташкил қилишда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва бозор механизмларини жорий этиш мақсадида Фармон билан эксперимент ўтказиш назарда тутилган бўлиб, унинг доирасида биринчи бор маҳаллий тўқимачилик саноати корхоналари томонидан фермер ҳўжаликлари ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилардан пахта хом ашёсига тўғридан-тўғри буюртма бериш тизимини жорий этиш режалаштирилди.

Бугунги кунга қадар маҳаллий тўқимачилик корхоналари пахта толасини экспорт нархлар бўйича монопол етказиб берувчи – "Ўзпахтасаноатэкспорт" ХКдан харид қилишга мажбур эди. Мазкур тартиб тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва рақобатбардорлигини пасайтирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ташаббус қилинган экспериментга мувофиқ, тўқимачилик саноати корхоналари фермер ҳўжаликлари пахта хом ашёсини етиштириш бўйича асосий харажатларининг тузилган шартнома қийматининг камида 60 фоизини аванс бериш йўли билан молиялаштиришни амалга оширади. Бунда корхоналарга етказиб берилган пахта хом ашёсидан фақатгина кейинчалик чуқур қайта ишлаш ва тайёр рақобатбардор маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланилади.

Бундан ташқари, Давлат раҳбари ўзининг Фармонида тўқимачилик саноати корхоналари, "Ўзбекенгилсаноат" АЖ акциядорлари йиғилишининг ва қатор идораларнинг "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлади. Бунда давлатнинг тартибга солиш ва ҳўжалик функцияларини ўз ичига олган "Ўзбекенгилсаноат" АЖ тугатилади.

Мазкур уюшмага республика тўқимачилик тармоғини барқарор ривожлантириш бўйича кенг доирадаги вазифалар юклатилди.

Соҳани бошқариш тизими тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига жавоб бермаслиги, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қодир эмаслиги мазкур қарорнинг қабул қилинишини таъкидлаш мумкин. Масалан, "Ўзбекенгилсаноат" АЖ таркибига 436 та корхона кирди, бу эса улар умумий сонининг аттиги 6 фоизини ташкил этади. Ушбу жамиятнинг фаолияти асосан статистикани тўлаш, турли йиғилишлар ўтказиш, кўргазмаларни ташкиллаштиришга қаратилган. Унинг ташқилий шакли ҳам акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий ҳолатига мос келмайди.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг самарали шаклларида бири кластерларни ташкил этиш ҳисобланади. Мазкур модель пахта хом ашёсини етиштириш, дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олган ягона ишлаб чиқариш циклини ташкил этишни кўзда тутди.

Бундан келиб чиқиб, махсус Ишчи



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари учун сайловга ҳам тобора яқинлашиб бораёмиш. Унинг натижалари фуқаролар танлови билан бир қаторда сиёсий партияларнинг муҳим синовга қай даражада пухта тайёргарлиги, депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурининг жозибадорлиги, халқчиллиги ва аниқлиги ҳам боғлиқ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида энг аввало, мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислох этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қaratилган. Партиямиздан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг сайловолди дастуруларига илгари сурилган гоя ва таклифлар ҳам ана шу каби чуқур ҳаётий асосларга эга. Энг муҳими, буларнинг бари ҳар биримизнинг оиламиз, яқинларимиз турмуши фаровонлигига хизмат қиладиган омиллардир.

Халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш биз учун устувор масала

Кишиларнинг яхши яшаш ва муносиб турмуш шароитига эга бўлишида коммунал соҳа ривож муҳим аҳамиятга эга. Олмасор туманидаги 20-Истиқлол сайлов округидан депутатликка номзод Муҳаббат Абдуллаеванинг сайловолди дастурида бу йўналишга ҳам алоҳида эътибор қaratилган.

– Тўғри, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда истеъмолчиларга кўрсатилаётган коммунал хизматларнинг сифати сезиларли даражада ошди, тўловларни амалга оширишнинг бир неча замонавий турлари яратилди. Лекин совуқ сув ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, коммунал хизматлар кўрсатиш учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида мусайян камчиликлар бор.

Бундан ташқари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини юксалтириш, тармоқ муҳандислик инфратузилмаси билан боғлиқ бўлмаган коммунал хизматларни кўрсатишнинг арзон муқобил турларини янада ривожлантириш бугуннинг энг муҳим вазифаси. Шунингдек, табиий монополия субъектлари бўлган корхоналарнинг хизматлари (электр ва иссиқлик қуввати, газ таъминоти, ичимлик суви ва канализация хизматлари)га нарх ва тарифларни ўрнатилишнинг иқтисодий асосланган аниқ мезонларини ишлаб чиқиш керак, дейди депутатликка номзод Муҳаббат Абдуллаева.

Номзодимиз, шунингдек, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларининг сифатли уй-жой шароитлари, ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлик даражасини ошириш масаласида ҳам ўз таклифлари билан чиқмоқда. Бунинг учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Масалан, давлат мулкчини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг бир қисми ҳисобидан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун иж-

тимоий уй-жой фондини ташкил қилишнинг аниқ механизмларини яратиш лозим, деган таклифни илгари сурмоқда. Кўриниб турганидек, мазкур жиҳатларда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг аҳамияти янада чуқурроқ намоён бўлади.

Ўзбекистон ХДП тиббий ёрдам ва хизматларнинг мақбуллиги ва юқори сифатини таъминлаш тарафдори

Маълумки, республикаимизда тиббиёт тизими босқичма-босқич ислох қилинмоқда, бу борада кенг қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, илгор тахрирларни ҳаётга татбиқ этиш аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу стратегик йўналишни қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолига бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами ва мақбул тиббий хизмат кўрсатилишини янада кенгайтириш ва унинг сифатини оширишни муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Шу мақсадда партиямиз ўзининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари орқали аҳолининг заиф қатламларига малакали тиббиёт-санитария ёрдами ва асосий тиббий хизматларни бепул кўрсатиш билан боғлиқ тегишли қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилиши устидан тизимли депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиб келмоқда.

Партиямиз бу борада илгари сурган гоя ва мақсадлардан келиб чиқиб, депутатликка номзодларимиз ҳам сайловолди дастуруларига бир қатор таклифлар билан чиқишпти. Масалан, Юнусобод туманидаги 11-Аҳмад Дониш сайлов округидан депутатликка номзод Гулшан Асатова-нинг сайловолди дастурида аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича муҳим масалалар ўрин олган.

Хозирда номзодимиз қўйилган сайлов округида 6369 мингга яқин сайловчи бор. Улар билан учрашувлар давомида одамларни йилантираётган, соҳада ечимини кутаётган масалаларга алоҳида эътибор қaratилипти.

Шунингдек, депутатликка номзод Юнусобод туманида истикомат қилаётган аҳолига бугунги кунда хизмат кўрсатиб келаётган оилавий поликлиника, болалар шифохонаси, стоматология шифохонаси, туғруқхона ҳамда тез тиббий клиник шифохоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасидаги энг муҳим масалалардан бири, бу – малакали кадрлардир. Шундан келиб чи-

қиб, унинг сайловолди дастурида тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юрларида мақсадли қабул амалиётини кенг жорий қилишни янада такомиллаштириш, айниқса, умуммамулий шифокорларини талабдан келиб чиқиб тайёрлаш масаласини зудлик билан ҳал этишга алоҳида эътибор қaratилган. У аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда врачлар малакасини ошириш йўналишини қайта кўриб чиқиш тарафдори.

Мамлакатимизда имконияти чекланган аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилди. Шундан келиб чиқиб, бизнинг номзод жисмоний имконияти чекланган кишилар ва бошқа айрим тоифаларга имтиёзли асосда берилмаган дори воситалари ва тиббий жиҳозлар рўйхатини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблайди.

– Бу ақлий, руҳий ва сезги нуқсонлари туфайли турмуш фаолияти чекланган ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар соғлигини тиклаш, шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини ҳис қилиб яшаш учун хизмат қиладиган, дея таъкидлайди депутатликка номзод Гулшан Асатова.

Таълим тизимини ривожлантириш келажақ пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган

Ўтган йиллар давомида юртимизда таълим соҳасини тубдан янгилаш ва ислох қилиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини таъминлаш, бунда ёшларнинг замонавий билим олиши, муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўрнига эга бўлишига эътибор қaratилаётгани Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида таълим тизимини янада ривожлантириш, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича белгиланган долзарб вазифалар амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Партиямиз фикрича, сифатли таълим ва касб-хунар ўрганишнинг барча учун тенг, адолатли ва ижтимоий жиҳатдан мақбул тизимини янада такомиллаштириш лозим. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари учун бўлиб ўтаётган сайловга партиямиз томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар ҳам ўшбу қарашни илгари сурмоқда.

Мирзо Улугбек туманидаги 12-Неъмат сайлов округидан депутатликка номзод Шавкатбек Мамадалиев жамиятнинг барча қатламларига эркин ва тенг таълим олиш имкониятларини яратиш мақсадида минтақалардаги демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, мактабгача, ўрта, ўртамахсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларини олдиндан барпо этиш амалиётини янада ривожлантириш керак, деган таклиф билан чиқмоқда. Унинг қайд этишича, бу ёшларнинг таълим, касб-хунар сирларини пухта ўрганишлари билан бир қаторда иш ўрнига эга бўлишларида ҳам катта роль ўйнайди.

Шунингдек, номзодимиз бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим давлат муассасалари тармоғини кенгайтириш, қўл болали, кам таъминланган оилалардан бўлган ва тўлов-контракт асосида ўқибётган талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари бериш энг муҳим масала, деб ҳисоблайди.

– Мактабгача таълим муассасалари ўсиб келаётган ёш

авлоднинг таълим-тарбиясида катта аҳамиятга эга. Боғча фарзандларимизнинг ақлий салоҳиятини ошириш, бошқалар билан муомала қилиш маданиятини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг тарбияси учун ўзига хос мактаб вазифасини бажаради. Лекин очигини айтиш керак, шундай оилалар борки, боласини боғчага бериш учун оилавий шароити тўғри келмайдиган, даромади етмайдиган. Ана шундай ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун бепул ва имтиёзли тўловлар асосида фаолият кўрсатадиган боғчалар фаолияти йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Бу боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасасига тўлиқ қамраб олиш, барча учун тенг имконият ва шароитлар яратилиши учун йўл очади, дейди депутатликка номзод Шавкатбек Мамадалиев.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда Мирзо Улугбек туманида 4 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Худуддаги боғча ёшидаги болаларни таълим-тарбия масканига тўлиқ қамраб олиш энг муҳим масала, албатта. Номзодимиз бу борада илгари сураётган таклиф ўшбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган.

Чилонзор туманидаги 20-Зарқўрғон сайлов округидан депутатликка номзод Ҳакимбек Раҳматовнинг сайловолди дастурида ҳам таълим соҳаси билан боғлиқ муҳим ва ҳаётий таклифлар ўрин олган. Унга кўра, ногирон болаларни зарур махсус адабиёт ва қўлланмалар билан таъминлашни ўз ичига оладиган инклюзив таълим тизимини янада ривожлантириш ва соҳа ўқитувчиларига имтиёزلар жорий этиш жисмоний имкониятлари чекланган (ногирон) талабаларнинг олий ўқув юрларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

– Бу ногирон болаларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, таълим самарадорлигини ошириш, уларни касб-хунарга йўллаш, жамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб вояга етиши учун хизмат қиладиган. Агар бундай ўқувчилар билан ишлашда ижтимоий интеграцияга, яъни уларнинг тенгдошлари ўртасида ижтимоийлашуви, мослашувига эришсак, бу уларнинг ҳаётга қизиқишини ошириш, умидсизлик кайфиятидан халос бўлишида муҳим аҳамият касб этади, дейди депутатликка номзод Ҳакимбек Раҳматов.

Кўриниб турганидек, номзодларимиз дастуруларига қайд этилган устувор йўналишларнинг рўйбга чиқиши мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун кенг имкониятлар яратишга хизмат қиладиган.

Хурматли сайловчилар! Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодларга овоз берсангиз, энг мақбул, энг ишончли йўлни танлаган бўласиз.

Хурматли ҳамшаҳрлар, азиз сайловчилар!

24 ДЕКАБРЬ КҮНИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРГА – ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИК!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши



КИТОБ – МАЪНАВИЯТ САРЧАШМАСИ

Китоблар инсонларни эзгуликка чорловчи, яхшиликка ундовчи маънавият сарчашмаси ҳисобланади. Уларни ўқиганимиз сари тафаккуримиз теранлашиб, ақлимиз янада чархланиб бораверади.

Менинг китобларга меҳрим болалигимдан, эртақлар оламига ҳамроҳ бўлган кунимдан оқибатдан. Эртақ китоблардаги қаҳрамонлар яхшилик, эзгулик, ватанпарварлик, мардлик, олийжаноблик, ҳалоллик ва ҳайру соҳоват тўғрисидаги қалбларимизга сингдириб билан бирга, ёмонлик, қабохат, зариллик каби салбий ҳолатларга қарши курашга, уларнинг олдини олишга ундайди.

Шу боисми ёки оиламиздаги мўъжазгина китоб жавонимиздаги турли адабиётларнинг қўпчилиги учунми уларга бўлган меҳрим бўлақча.

Китобларнинг жамият ва унинг асосий бўғини бўлган оилада тутган ўрни бугунги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Қарори ҳам дастурамалал бўлмоқда. Оиламиз зинилар оиласи бўлганлиги учунми барчамиз китобларни, умуман олганда мутолаани жуда ҳам яхши кўраемиз.

Адабий асарларни севиб ўқир эканман ундаги қаҳрамонлар билан биргаликда ҳамнафас яшаётгандай сезаман ўзимни. Саҳифаларни арақлаганим сари гоҳида шод бўлсам, баъзан қайғураман. Китобнинг ақлини эзгулик билан тугашиши ва яхшилик ҳамда солиҳ бўлишини истайман.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кўлар", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", Асқад Мухторнинг "Чинор", Ўткир Хошимовнинг "Дунёнинг ишлари" каби асарлари энг сеvimли китобларим ҳисобланади. Шойларимизнинг шеърларини ҳам қизиқиб билан севиб ўқийман.

Мен барча ёшларни ва тенгқўрларимни китобларни севишга, ўқишга ва улар ичидаги дунёвий ва илмий билимларни мукамал ўрганишга чақираман. Чунки китоблар биз келажақимизни порлоқ ёшларни ола Ватанимизни янада севишга, унга садоқатли фарзанд бўлиб камолга етишга, миллийлигимизни асраб-авайлашга, қадриятларимизни қадрлашга, оддийгина қилиб айтилган бўлсам, яхши ва ҳалол инсон бўлиб ўлгайишга чорлайди.

Зилола НУРМАТУЛЛАЕВА,
Юнусобод туманидаги 150-умумтаълим
мактаби ўқувчиси

"Оқшом"га хатлар

ФАХРУ ИФТИХОРИМСАН, ШАҲРИМ

Инсон бу ҳаётда қанча кўп яшаса, янада кўп умргузаронлик қилгиси келаверади. Камина Тошкентни ёзда ифлос, чангли, қишда лой, тунлари қоронғу пайтларини кўрганман. Кўчалари тупроқли бўлиб, энг яхши кўча – тош терилган бўлган.

Хозир эсласам, биз болалар Ўрдадаги анҳорда чўмилиб, кўприк устидан сувга сакраб, бегубор орзу-хаваслар билан юрганмиз. Бир вақтлар Навоий кўчасидан, Қизил майдон (хозирда Мустақиллик) томонга Анҳор бўйлаб кетган Абдулла Тўқай деб аталувчи кўчага машиналарда қум ва катта-катта харсанг тошларни олиб келиб тўкишган эди. Сўнг ишчилар кўлларида болгалар билан келиб, тошларни бир текис қилиб ёйилган қумга зич қилиб қоқишар эди. Аммо бундай кўчалар ҳам камдан-кам бўлган. Хозирги асфальт кўчалар қайда дейсиз.

Абдулла Тўқай кўчасига бориб биз болалар, ўтган асрнинг 40-50 йилларида қишда аямалакда сирпанчқич учар эдик. Болалар оёқларига коньки боғлаб, чанаси бор болалар эса чопқиллаб келиб, юқоридан паства томон канада 200-250 метр масофагача учар эдилар.

Хозир эса... Хозир бу кўчаларни, балки шаҳримизни танимай қоласиз. Бўлаётган ўзгаришлар, ислохотлардан янаша кетган азим пойтахт кўчаю хиббонлар, осмонлар бинолару яраклаган машиналар қарвонидан ҳайратга тушасиз. Яқинда Алишер Навоий номли кутубхонага бир иш билан борган эдим, ўшбу ҳашаматли бинодан чиқиб қаёққа юришимни билмай, ақлим

шошди, адашиб қолдим. Кўпдан бери бу кўчалардан ўтмаган эканман, ҳангу манг бўлиб қолдим. Аввалги шовқин-сурон йўқ, улугворлик, жимжитлик ҳукм сурмоқда. Кўрганда кўзни қамаштирадиган осмонлар бинолар савлат тўкиб турибди. Машиналар учун ҳам алоҳида жой бўлиб, уларнинг саногий йўқ. Беихтиёр, "қаердаман?" деган савол мени қамраб олди. Ҳеч мунобала-ғасиз, қаерга юришимни билломай қолдим. Кўёш кунботар томонда бўлгани учун чап томонга таваккал қилиб юриб, Амир Темур кўчасига чиқиб қолганимни билмай қолдим.

Кексалик бўлса керак. Шундай тинч, бахтли замонга етказганига беадад шукр! Хар сафар Президентимизнинг маърузаларини эшитганда, биз нурунийларни эъзозлаш ҳақидаги фикрларидан кўнглим тоғдек кўтарилади, яна ҳам яшагим, бўлаётган ўзгаришларга ҳисса қўшим келади. Хали кўп ўзгаришлар ҳаммамизни кутмоқда. Тилагим — "Тошкент-Сити"ни кўриш. Биз кексаларнинг кўлларида ҳамиша дуода: илоҳим юртимиз тинч бўлсин, барча бошлаётган ишларимиз хайрли ва барокатли бўлсин.

Эркин ИБРОҲИМОВ,
81 ёшли меҳнат фахрийси

Она юртимиз – Ўзбекистонимизнинг кундан кунга янада гўзаллашиб, яшариб, обод бўлиб бораётганлигини кўриб ич-ичимдан қувонаман.

Бирин-кетин қад кўтарётган замонавий бинолар, жаҳон андозларига мослаштирилган узокни яқин қилувчи кўприклар ва кафтдек текис йўللار, кўриниши ва жиҳозланиши чет давлатларникидан сира қолишмайдиган соғлиқни сақлаш масканлари, қўйинг-чи, юрт кўрмига кўрк бўладиган қурилишлар борки, уларни кўриб менга ва авлод-аждодларимизга, барча юртдошларимизга шундай гўзал, жаннатмонанд Ватан ато этганлиги учун, аввало Яратганга астойдил шукроналар айтаман. Ватанимизда тинчлик деб аталмиш энг азиз неъматнинг барқарорлиги учун, унинг мустақил давлат сифатида ҳеч қимдан кам бўлмаган ва ҳеч қимдан кам бўлмайдиган даражада бугун собитқадм билан шах-

дам, дадил олға интилаётганлиги,

хатто хорижий давлатларнинг ҳам

хайрат, ҳам ҳавас билан Ўзбеки-

стонимнинг шаъни ва шавкатини

олқишлаётганлиги айна ҳақиқат.

Мана шундай мустаҳкам оила-

да, тинчлик ҳукмрон шароитда

ўсган фарзандларимизнинг биз-

дан кўра билимли, доно, бақувват

ва албатта бахтли бўлишлари

шарт қилиб қўйилгани ва бунга

барча имкониятлар яратилгани

бугунги дорилмон замонни мен

25 ёшга тўлган ўғлимнинг тисмо-

лида кўряпман. Бу яратилган ша-

роитларга "лаббай", - деб жавоб

бермасликнинг ўзи-да ноқўрлик,

ношуқрлик эканлигини ўзим кўп

йиллик ўқитувчи сифатида, авва-

ло ўз фарзандларимга, қолавер-

са, ёш авлодларга таълим- тар-

бия бериш борасида йиллар давомида сингдириб келишми ўз бурчим деб биламан. Истиклол билан тенгдош ўғлим ва қизларим ҳам онги ва шуурлари билан йиллар давомида бунга англаб ўсишлар. Қизларим 2 та касб эгаси бўлиб, ҳар қайсиси бир оиланинг муносиб ардоқли бекаси.

Айни Янги йил арафасида дилимдаги изҳорларни баён эта олиншинг ва Ватаним ҳимоясини бугун мард, жасур ўғлонларимизга ҳеч иккиланмай ишонишимизни англаб етишининг ўзи кўнглим хотир-ҳамлиги, туганмас бир бахт эканлигини бугун фахр-ифтихор билан айтаман.

Бахту иқболинг, шону шавкатингга кўз тегмасин, ҳур Ўзбекистоним! **Сайёра МУХАММАДЖОНОВА,**
Тошкент иқтисодий ва сервис коллежининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Мамлакатимизда яратилган кучли ижтимоий ҳимоя тизими асосида давлатимиз томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, хусусан, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг манзилли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш юзасидан аниқ ва мақсадли чоралар амалга оширилмоқда.

Ўшбу жараёнда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва барча бўғиндаги касба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар.

Жорий йилнинг 30 ноябрдан 30 декабрга қадар республикаимизда ўтказилаётган Меҳр-муруват ойида ҳам барча бўғиндаги касба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Хусусан, жойларда оммавий-маданий ва хайрият тадбирлари, ўрашувлар ташкил этилмоқда, жисмоний имконияти чекланган шахсларнинг ўйларига бориб ҳабар олиниб, уларга манзилли ёрдамлар кўрсатишмоқда.

Меҳр-муруват ойидаги доирасида ногиронлар учун квоталанган иш ўринларининг ажратилганлиги ва уларни тўғри банд қилинганлиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш бундай касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар янада кучайтирилди. Шунингдек, республикаимиз ҳудудларида яшовчи ногирон инсонларни зарур техник реабилитация воситалари, шу жумладан, ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтавлар билан таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қaratилишмоқда. Корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган жисмоний имконияти чекланган инсонларни моддий қўллаб-қувватлаш билан бирга улар ўртасида маънавий-маданий ва спорт тадбирлари, ўрашувлар ўтказилиб, "Саховат" ва "Муруват" ўйларига яшовчилар учун касба уюшмаларининг ижтимоий акциялари ташкил этилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касба уюшмаси Республика Кенгаши томонидан паралимпия спортчилари, жисмоний имконияти чекланган инсонлар, тармоқ тизимидаги кичик бизнес субъектлари, корхона ва ташкилотлар ҳодимлари ўртасида спортнинг мини-футбол тури бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ўзбекистон футбол федерациясининг "Ёшлик" спорт мажмуасида ўтказилган мусобақада тармоқ тизимидаги корхоналарда меҳнат қилаётган ҳодимлардан таркиб топан 8 та жамоа ҳамда кўзи оқиб спортчилардан таркиб топан "Қалдирғоч" ва "Лочин" жамоалари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев очиб берди. Ҳақиқий спорт байрамига айланган мусобақалар қизгин беллашувларга бой тарзда кечди. Беллашувлар Ўзбекистон футбол Федерациясининг малакали ҳакамлари томонидан баҳолаб борилиди.

МУЛКИНГИЗНИ АСРАЙ БИЛИНГ!

Наименование статьи

...на босипали ...

Нашр учун мас
О. Ҳазратов

Баспа: 13.00 Есепке: 2000

БЭҚТН. 13.00 Босишга тоғиш